***Оиладаги меҳр... Биз шу ҳақда ўйлаб кўрганмизми, ҳеч? Хонадоннинг ҳар бир аъзосини бир-бирига қалбан яқинлаштириб, эртанги кунларга ишонч ва умид ҳиссини уйғотувчи, вужудига куч-қувват, кўнглига ёруғлик солиб тургувчи ана шу меҳр эмасми, аслида?!***

# ЭСКИ УЙДАГИ МЕҲРЛИ ЛАҲЗАЛАР

Ўз оиласида ардоқланмаган одам кимдан меҳр кутади? Кимга суянади? Кимга дардини айтади?

Яқинда Самарқандлик бир аёл шикоят билан мурожаат қилди. «...Одамларнинг назарида биз энг бахтли оилалардан бири саналамиз. Чунки, икки ўғил, бир қизимиз бор. Эримнинг топиш-тутиши яхши. Ҳеч нарсага зориқмай яшаяпмиз. Лекин... Мана, ўн йилдан ошдики, эримнинг бирор марта уйга эртароқ қайтиб, биз билан хушчақчақ гаплашиб ўтирганини эслолмайман. Нуқул ярим кечада, ширакайф ҳолда кириб келади. Ҳатто ўз фарзандлари билан бир зум гаплашмоққа ҳоли йўқ. Эрта саҳарда туриб яна кўчага шошади. Мен эса худди устига юк ортилган оғир бир аравага ўхшайман. Уй, ишхона, боғча, мактаб, дўкон, бозор... Бу арава кунига ана шу манзиллар ичра айланиб юради. Байраму ҳайитларда болаларимнинг боғча опаларига, муаллимларига совғалар улашаман, гуллар тутқазаман. Аммо бирор кимса менга ҳам яхши сўз айтиб, бир дона гул узатмайди! Барчага меҳр бераману, ўзим эса меҳрга зорман. Қўни-қўшниларим менга ҳавас қилишиб, «Сиз бахтли аёлсиз» дейишади. Бироқ, қани ўша бахт?

Очиғи, тўйимиздан кейинги бир йил ичида эру хотин иккаламиз иноқ, бир-биримизга парвона эдик. Ҳеч бир ҳашамсиз, бўм-бўш хоналарда тонгга қадар ширин суҳбатлар қурардик. Орзуларга берилардик. Ўша кунларнинг бирида эрим менга: «Ҳали кўрасиз, бизнинг ҳамма нарсамиз бўлади!» деди. Айтгани келди. У бор кучи, билимини сарфлаб, эл ҳурматини қозонди, ниятига етди. Бу орада фарзандларимиз бирин-кетин дунёга келишди. Тезда бойиб кетдик. Энди ҳамма-ҳамма нарсамиз бор. Лекин бир пайтлардаги ширин суҳбатлар, ўзаро меҳр-муҳаббат энди йўқ... Ҳатто энг қимматбаҳо буюм ҳам йўқолган қадр-қимматнинг, унутилган меҳрнинг ўрнини босолмас экан! Ўша ҳувуллаган уйдаги меҳрли лаҳзаларни соғинавераман. У ёруғ кунлар яна оиламизга қайтармикин, дея ўйлайвераман...»

Аёл табиатан чиройли буюмларга, зебу зийнатларга ўч. У доимо дунёдаги энг гўзал аёлга айланишни истайди. Имкон топилса, шу орзусини амалга оширади. Аммо, аёл шу билангина кифояланиб, ўзини бахтиёр ҳисоблармикин? Асло! Ҳатто бир неча юз сидра буюмлари бор бўлган ҳар қандай аёлнинг ҳам ҳаётдан ўз талаблари, руҳий эҳтиёжлари бор. Руҳий эҳтиёжи тўлиб-тошган аёлга ҳеч қандай моддий бойлик етарлича бахт беролмайди. Мен нотаниш аёлнинг мактубини эълон қилаётганимнинг сабаби ҳам шунда. Аксариятимиз, «Рўзғори бадастир, ўзи шойи ипакларга бурканган бўлса, аёлга бундан ортиқ яна не керак?» деган фикрда юрамиз. Аксинча, аёл атрофидагиларнинг ўзига эътиборли бўлишини, яхши сўз айтиб меҳр кўрсатишини ҳар лаҳзада кутиб яшайди! Ич-ичидан ўзини шунга лойиқ сезади...

Ҳаёт қизиқ. Биз ҳар ишни бошлашда кўпинча теварагимиздагилар билан ҳисоблашамиз, уларнинг ўй-хаёллари билан қизиқамиз, кийинишда, ўзимизни тутишда ўзгалар нуқтаи назарини билгимиз келади. Лекин, ўзимиз билан бирга яшаётган кишини бундай вақтда унутамиз. У ҳам биз ҳақимиздаги фикри, нуқтаи назари ва муносабатини билдириши мумкинлигини негадир хаёлимизга келтирмаймиз. Нега? Нима учун?

«Ишхонамда мен билан боғлиқ юз берган кўнгилсизликдан анча вақтгача эзилиб юрдим, - дея кўнглини очади бир аёл. - Эримнинг бўлса парвойи палак. Бир куни хун бўлиб йиғлаётганимни кўриб, шошиб қолди. «Ие, нима бўлди? Уйда ҳамма нарса етарлими? Ма, ўзингга бирор нарса сотиб ол!» дея қўлимга бир даста пул тутқаздию сўнг ишга жўнаб қолди. Эрим чиқиб кетгач, нимадир сўраб қўшни аёл кирди. «Кўпдан бери дилингиз хира, сингилжон. Дардингизни айтинг, енгил тортасиз» деди. Йиғлаб юбордим. Қаранг, шунча йил бирга яшаган кишим шу қўшничалик бўлмадия...»

Оиладаги меҳр аслида эркак ва аёлнинг бир-бирини тушуниши жараёнида мукамаллашади. Тушуниш эса кашф этмоқ билан баробар. Сиз одамларни англаб олмоқ учун аввало ёнингиздаги кишининг юрагига қулоқ тутинг. Ундан меҳрингизни дариғ тутманг. Эҳтимол, шунда меҳр ўзингиз ўлчаган қолипларга сиғмаслигига, балки у жуда юксак туйғу эканлигига амин бўласиз.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**



**О.МУРОТОВ (ЎзА) олган суратлар**

Айни кунларда қорақалпоғистонлик санъаткорлар Нукус шаҳрининг етмиш йиллик юбилейи ва Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг ўн икки йиллиги тантаналарига пухта ҳозирлик кўришмоқда. Бунда «Айқулаш», «Тўмарис» каби ансамбллар ўзларининг қизиқарли дастурлари билан иштирок этадилар.

**Суратларда: тантанага тараддуд**



## ОНА ВАТАН ВА ТАБИАТ КУЙЧИСИ

Пойтахтдаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Ғафур Ғулом ижодида табиат ва инсон" мавзуида адабий-мусиқий анжуман ўтказилди. Унда ёзувчи ва шоирлар, фан арбоблари иштирок этдилар.

Анжуман иштирокчилари даставвал ўзбек адабиётининг ёрқин намояндаси академик, шоир Ғафур Ғулом ҳайкали пойига гулчамбар қўйдилар.

Тадбирда сўзга чиққан ёзувчи ва шоирлар адибнинг ҳаёти ва ижодидан хотиралар, унинг ижодида табиат ва инсон мавзуси ҳақидаги фикрлари ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

-Ғафур Ғулом ўз ижодида Ватан ва табиатни бир-бири билан уйғунликда ва ҳамоҳангликда тараннум қилади, -деди олим Наим Каримов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Унинг "Тошкент", "Боғ", "Бари сеники", "Чаман", "Анор", "Баҳор оҳанглари", "Гулхона", "Ҳамма ердан сен гўзал" каби шеърларида она ватаннинг бетакрор гўзаллиги, унинг боғ-роғларию, осмонўпар тоғлари, дарё булоқлари, экинзор майдонларининг таровати ўзгача бир муҳаббат билан тараннум эттирилади.

Н. Каримовнинг таъкидлашича, инсонни улуғлаш, вақт қадри, келажакка умид билан қараш каби инсоний фазилатлар шоирнинг "Сен етим эмассан", "Вақт", "Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак" каби шеърларида, "Кўкан" поэмасида маҳорат билан акс эттирилган. Жаҳонда мамлакатларни кўплиги, лекин унда Ўзбекистондек жаннатмакон юртнинг яккаю-ягоналигини шу ватаннинг забардаст ўғлони томонидан меҳр билан куйланади.

Тадбирда адибнинг ижодий асарлари ва Ғафур Ғулом номидаги нашриёт томонидан чоп этилган китоблар савдо кўргазмаси ташкил этилди. Шунингдек, мамлакатимизнинг таниқли санъаткорлари ҳамда ёшлар иштирокида концерт берилди.

**"Туркистон-пресс"**

## ТИЛ - ХАЛҚЛАРНИ ЯҚИНЛАШТИРАДИ

Андижонлик икки нафар француз тили ўқитувчиси - Камолиддин Жабборов ва Шоҳиста Шерғозиевалар айни пайтда Парижда стажировка ўтмоқдалар. Сафарнинг мақсади - Гюго ва Вольтер тилини ўргатишнинг янги йўлларини ўзлаштиришдир.

- Олдинги ўқитиш услубидан фарқли равишда, бугунги кунда коммуникатив жиҳатга кўпроқ урғу берилмоқда, - дейди Андижон Давлат тиллар институтининг француз тили кафедраси доценти Ахмадали Мамадалиев. - Айнан мана шу йўналишда икки мамлакат мутахассислари янги дарслик ишлаб чиқди. Стажировка ўтиладиган мактабда француз муаллифлари иш олиб бормоқда. Андижонлик вакиллар чет эллик ҳамкасблари тажрибасини ўз юртида қўллашни мақсад қилганлар. Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси фаол иштирок этган мазкур хайрли ишларни давом эттирган ҳолда юқори синф ўқувчилари учун дарсликлар тайёрлаш режалаштирилган.

**(ЎзА)**

## ЛАЗЕР КЎЗНИ ДАВОЛАЙДИ

Самарқандда кўзни лазер билан даволаш халқаро маркази очилди. "Кристоффел - Блиндемиссион" у жаҳон инсонпарварлик ташкилоти кўмагида Самарқанд тиббиёт институти кўз касалликлари клиникаси қошида очилди.

- Кўз микрожарроҳлиги халқаро марказини ташкил этиш учун клиникамизнинг танлангани бежиз эмас, - деди марказ раҳбари, тиббиёт институти офтолмалогия кафедрасининг мудири Амин Юсупов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари мамлакатимизнинг турли кўз касалликлари клиникаларида бўлиб, бизнинг шифохонамизни мақбул топишди. Улар бу ерда кўз касалликларини даволашлари учун катта тажриба тўпланган, Россия ва бошқа мамлакатларнинг етакчи клиникаларида малака ошириб қайтган мутахассислар ишлайди деган фикрга келишди. Шунингдек, моддий техника негизи яратилган.

Кўз касалликларини даволашга ихтисослашган "Кристофел - Блиндемиссион" инсонпарварлик уюшмаси марказга офталмологик лазерни - Германиянинг "Цейс" фирмасида тайёрланган коагуляторни беғараз ёрдам тариқасида тақдим этди. Ушбу ускуна ёрдамида шифокорлар глаукома ва бошқа касалликларни тиғсиз даволайдилар. Ускуна шунингдек, қанд касаллигидан кўз ожизланиб қолишининг олдини олади, - деди А.Юсупов сўзининг якунида.

**"Туркистон-пресс"**

***«Ҳазорасп» атамаси минг отликлар диёри, деган маънони билдиради. Унинг келиб чиқишини Сулаймон пайғамбар ҳаёти ҳақидаги ривоят ва «Авесто» китоби, зардуштийлар динига олиб бориб тақашади.***

# «ҲАЗОРАСП АФСОНАСИ» расмини томоша қилиб

Афсона ва ривоятларга кўра, қарийб 3 минг йиллик тарихга эга Ҳазорасп қалъасини Сулаймон пайғамбар қанотли тулпорларга миниб, ёвузликлар қилиб юрган мингта девни ўзларига бўйсундириб, кечаю-кундуз тиндирмай ишлатиб қурдирган эканлар. Учқур отларнинг қанотларини эса девлар қочиб кетмаслиги учун учолмайдиган даражага келтириб кесибдилар. Қанотларидан жудо бўлган отлар шундан буён одамларга хизмат қилиб келмоқда экан.

Халқимизда «Сулаймон ўлиб, девлар қутилди» деган мақол ҳам бор. Бунинг тагида катта маъно ва ҳақиқат ётибди. Девлар қалъани қураётганларида Сулаймон пайғамбар тахтида қўлига ҳасса тутиб, уларнинг ишлашларини кузатиб ўтирган. Девлар тинкалари қуриб, чарчаб-ҳоришса ҳам қўрққанларидан сабр-тоқат билан ишлайверишар экан. Қалъа битай деб қолганида Сулаймон пайғамбарнинг умри охирлаб қолибди. Саройдагиларга шундай васият қилибдилар: «Ўлганимни девлар сезмасин, қалъа битгунича шу ҳолатда тураверай».

Пайғамбар васиятига амал қилинибди. Бир йил ўтгач, қалъа ҳам битибди. Ниятнинг яхшилиги боис қалъа битиши билан тагидан чириб, қуртлар кемирган Сулаймон пайғамбар ҳассаси ҳам ўзи билан биргаликда қулабди. Шундан сўнггина девлар унинг ўлганини билишибди.

Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залидаги ҳазорасплик ҳайкалтарош-рассомлар асарларининг намойиши ушбу ривоятни томошабинлар қалбида қайта тирилтиргандай бўлди. Кўргазмада 29 нафар рассом ва ҳайкалтарош ўз асарлари билан иштирок этмоқда. Биргина туман вакиллари томонидан мингдан ортиқ санъат асари яратилгани чинданам ҳайратланарли ҳодиса. Бунинг устига саралашдан ўтмаганлари қанча. Энг асосийси, кўргазмада Ҳазорасп тарихи бор ҳолича кўринишда очиб берилган.

Ёш мусаввир Даврон Отамуродовнинг «Ҳазорасп қалъаси» суратида минг йиллиknown гувоҳлик бергувчи қалъа харобалари тасвири ифодаланган. Амударё бўйидаги анча жойни эгаллаган қалъа қолдиқлари баланд тепаликни эслатади. Ям-яшил ранглар ифодасидан афсонавий достонларга хос кўриниш акс этган. Мусаввир тасаввурида ўша афсона жонлантирилган ҳолда «Чарчаган девлар» асари юзага келган. Ишлаб ҳориган девлар дам олишяпти. Ҳар бир дев ўта даҳшатли, баҳайбат тасвирланган бўлса-да меҳнатга ўрганганлиги сезилиб турибди. Меҳнат улар вужудидаги ёмонликларни сиқиб чиқарган.

Ушбу мавзу ҳаваскор рассом Рўзимбой Оллоёров асарларида ҳам давом эттирилган. «Ҳазорасп афсонаси» асарида қалъа қураётган девлар, уларга дошқозонларда таомлар пишираётган ошпаз аёллар, кенг яйловда ўтлаб юрган қанотли отлар ва Амударё сувлари кенг акс эттирилган. Бу тасвирлар тарихий маълумотларга суяниб яратилганлиги билан катта аҳамиятга эга.

Айниқса, ёш мусаввир ва ҳайкалтарош Рўзимбой Воисов ижоди томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. У рангтасвирда «Қалъа ҳимояси» асарини яратиб мавзуга ғоявий мазмунни сингдиришга ҳаракат қилган. Ҳазорасп қалъасини душманлардан ҳимоя қилаётган баҳодирлар кураши тасвирланган асар ўзига хос туркум лавҳалардан ташкил топган. Бундан ташқари, рассом «Авесто» китобини ёзган Зардушт портретини ҳам яратади. Портрет ўта жонли ва ишонарли тарзда ишланган. Зардуштнинг гулхан олдида ўйга чўмган ҳолда ўтиргани акс эттирилган. Айтишларича, Жамшид деган авлиё оташпарастлик оловини биринчи ёқиб берган экан. Зардушт эса кечалари гулхан ёруғида «Авесто» китобини ёзиб чиқаркан. Шунингдек, умидли ижодкор ҳайкалтарошлик маҳоратини ҳам ишга солиб, «Авесто»нинг ғоявий мазмуни асосида олов худоси Ахурамазда қиёфасини ғоятда катта маҳорат билан яратибди.

Кўргазманинг иккинчи қисми ҳазорасплик ўқувчи-ёшлар ижодига мансуб. Қадимги Шарқ миниатюрачилиги йўналишида изланаётган 12 нафар ҳаваскор мусаввирга иқтидорли рассом Қурбонбой Матмуродов устозлик қилади. Миниатюра санъатини ҳозирги замон кишилари руҳиятига боғлаб тараққий эттириш уларнинг асосий мақсадлари ҳисобланади. Мўъжаз тасвирлардан 180 га яқини кўргазмадан ўрин эгаллаган. Ёшларнинг миниатюра асарларида ҳам Ҳазорасп ўтмишига оид тасвирлар акс этган. Ушбу расмлар ипак, тери, қоғоз, ёғоч ва қовоқлар юзасига ишланган. Бундан ташқари, «Авесто» китоби асосида яратилган суратларни ҳам учратиш мумкин. Бу уларнинг ёрқин истеъдодлари ва дадил интилишлари нишонаси сифатида бениҳоя қимматга эгадир.

**Маҳмуд Рамазон АҲМАДИЙ, санъатшунос**

*Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак*

# СОБИҚ ЎҚУВЧИЛАР

## ўзлари ўқиган мактабни таъмирлаш ва жиҳозлашда кўмак бердилар

Бахмал туманида 70 та мактаб, 1 та иқтидорли болалар лицейи, 2 та мактабдан ташқари муассаса мавжуд бўлиб, уларда 31 минг нафардан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Мавжуд мактаб биноларининг 13 таси замонавий, қолганлари мослаштирилган бинолардир. Мослаштирилган мактаб бинолари ўрнида янги, замонавий бинолар барпо этиш муаммоси сўнгги йилларда бахмалликларни ўйлантириб келарди. Бу масала ўз–ўзидан ечимини топди. Тадбиркор ва ишбилармон собиқ ўқувчилар ўзлари ўқиган мактабларни таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларига бош-қош бўлиш вазифасини зиммаларига олишди. Янги мактаб бинолари барпо этиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Бу ибратли ташаббус республикамизнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатаётган бахмалликлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланди.

– Хайрли ишга биринчилардан бўлиб Бозоровлар оиласи бош қўшишди, – дейди туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вакиллиги раиси Ҳайдар Худойқулов. - Улар «Сангзор» хўжалиги марказидаги 52-умумий ўрта таълим мактабини қайта таъмирлаш учун 50 миллион сўм маблағ сарфлашди.

Туманда бундай саховатпеша инсонлар кўп. Хусусан, "Узунбулоқ" қишлоғидаги 53-умумий ўрта таълим мактаби ҳашар йўли билан қайта таъмирланиб, янгича қиёфага кирди. Собиқ ўқувчи Мўмин Абдуазимов 5,5 километр узоқликдан мактабга тоза ичимлик суви учун қувур тортиб келди. Бундан ташқари, таниқли олим Мамаюнус Пардаев "Тангатопди" қишлоғидаги ўзи таҳсил олган 14-мактабга компьютер совға қилди. Шунингдек, мазкур мактабнинг 5 нафар собиқ ўқувчиси ҳам билим масканига терак ёғочлари ҳадя қилишди. Яна бир тадбиркор эса ўз ўқиган мактабига қарийб 2 миллион сўмлик 90 та доска ва 100 та парта совға қилди. 32,-36,-34-мактабларнинг собиқ ўқувчилари ўзлари илм олган даргоҳларга шарқ меъморчилиги усулида безатилган дарвозалар ўрнатиб беришди.

Ҳозирги кунда туман мактабларининг аксариятида таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилган. "Тангатопди" ва "Сарюзи" қишлоқларидаги 14-, 15-мактаблар учун эса янги ўқув бинолари бунёд этилмоқда. Ҳар иккала мактаб бинолари ҳам истиқлолнинг 12 йиллик байрами ҳамда янги ўқув йили учун тухфа сифатида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири**



*Огоҳликка даъват*

***- Юртбошимиздан умрбод миннатдорман, - дейди кўзларидан севинч ёшлари қуйилиб муштипар онаизор. - Йўлдан адашган ўғлимнинг гуноҳи кечирилди.***

# АДАШГАН ҚАЛБ ИЗТИРОБИ

- Нопок кимсаларга қўшилиб, панжара ортига тушишига бир бахя қолди, - дейди Наимнинг опаси афсусланиб. - Одил суд укамнинг тавба-тазарруларини ҳисобга олиб, яна бир бор имкон яратди.

Наимнинг табиатан камсуқум, ҳар нарсага ишонувчанлиги панд берди. Тўла-тўкис оиласи, бир-биридан ширин уч нафар фарзанди бўлган ўттиз тўрт ёшли инсон ғаламислар қутқусига, алдовига учиб жиноий ишга қўл урди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни кўра олмаётган «Ҳизбут-таҳрир» диний экстремистик оқими аъзоларига қўшилиб, тўғри йўлдан адашди. Уч йил мобайнида жамиятимиз ва халқимиз учун, мустақиллик мафкурасига ёт ғоялар сингдирилган адабиётларни тарқатиш билан шуғулланди. Ўзи тушган тўрга бошқаларни ҳам туширишга ҳаракат қилди.

Кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, Наим Очиловнинг ноқонуний хатти-ҳаракати фош этилди. Ҳуқуқ-тартибот органларининг саъй-ҳаракатлари билан жиноий иш пухта ўрганилиб, судга оширилди.

Муқаддас Қуръони Каримда ва табаррук ҳадисларда инсонлар ҳаётига дахл қилувчи гуноҳи азимга қўл урган кишининг хатти-ҳаракатлари жазога мустаҳиқ, дейилади. Ислом динига тамомила ёт бўлган ғояларни тарқатганлиги учун Наимни оғир жазо кутаётган эди.

Инсонийлик, фуқароларнинг эркинлиги, қадр-қимматини кафолотловчи қонунларимиз адолатли ва мўътабар. Бағрикенглик, меҳр-шафқат, кечиримлилик шарқона урф-одатлар ҳисобланади.

Қилган жиноий хатти-ҳаракатидан пушаймонлиги, ватангадолар қутқусига учиб боши берк кўчага адашиб кириб қолганлигини тан олганлигини ҳисобга олиб суд одилона қарорга келди. Н.Очиловга нисбатан шартли ҳукм чиқарилди ва суд залидан озод қилинди. Бундан кейин у ички ишлар идораларининг назоратида бўлади.

- Хатоларимдан мингдан минг пушаймонман, - дейди Наим чуқур хўрсиниб. - Нонкўрлик қилиб ножўя ишларга қўл урган эканман...

Ватан саждагоҳ каби муқаддас. Ватан ва она сўзлари бир-бирига муштарак. Дунёда киндик қонинг томган, авлод-аждодларингнинг ҳоки ётган муқаддас тупроқдан улуғроқ нима бор?

Суд залидан озод бўлган жигаргўшасини бағрига босиб йиғлаётган онанинг кўз ёшлари ҳар қандай тош қалбни ҳам эритади. Фарзандини нокаслар қўлидан қутилганига, қадрдон маҳалласи, уйига қайтиб келганига она минг бор шукур қилади ва ёшларга қарата ўзининг юрак сўзларини изҳор этади:

- Болаларим, ҳушёр ва огоҳ бўлинглар. Ғанимларнинг ёлғон ваъдаларига ҳеч вақт, ҳеч қачон учманг.

**Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

*Турфа олам*

## ЛИНДАДАН ЭПЧИЛИ ЙЎҚ

Германиянинг Қуйи Саксония вилоятидаги Норден шаҳрида яшовчи Линда Томсен шу кунларда бутун мамлакат оммавий ахборот воситаларининг назарини ўзига қаратган. Сабаби 28 ёшли ошпаз аёл картошка тозалаш борасида жаҳон рекордини янгилади.

У 10 дақиқада 10,49 килограмм картошкани тозалаб ташлади. Бу эпчиллиги учун у энди Гиннесснинг рекордлар китобидан жой олиши мумкин. Эътироф этишича, агар шундай шарафга муяссар бўлса, Линда хоним ўзини бағоят бахтиёр ҳисоблайди.

«Аввалги рекорд кўрсаткич - 5,4 килограммдан икки баробар кўп картошкани шунчалик қисқа вақтда тозалай олишимга ўзимнинг ҳам кўзим етмаганди, - деди у журналистларга қувончини ичига сиғдиролмай. - Аммо, кўриб турганингиздек, уринган имкон топар экан».

Мазкур рекорд шу кунлари Европани ўз забтига олган жазирама иссиқда 56 уста пазанда иштирок этган муросасиз баҳсда ўрнатилди.

## ҲАЛҚАЛАНГАН ЎРДАК

Март ойининг ойдин кечали тунларидан бирида овчи Қўқон йўлидаги сассиқ кўлга овга чиққан эди. Анчагина кутиб турди. Бир вақт осмонда ўрдаклар галаси пайдо бўлди, улар бирин-кетин кўлга келиб туша бошлади.

Овчи ҳам вақтни бой бермай, мўлжаллаб кетма-кет ўқ узиб, учта ўрдакни уриб туширди. Овчи кўлда сузиб ўлжаларини йиғар экан, унинг кўзи ўрдаклардан бирининг оёғидаги ҳалқага тушиб қолди.

Ҳалқага алланималар ёзилган эди. Эртасига овчи ҳалқали ўлжани мактабга олиб келиб, ўқувчиларга кўрсатди. Ҳалқага инглиз тилида: «С-4101, Ҳиндистон, Бомбей», деб ёзиб қўйилган эди.

Буни қаранг, ўрдак тоғлар ошиб Бомбейдан бизнинг ўлкамизга учиб келибди-я!

«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари жамоаси бўлим мудири Шарофат Норқуловага акаси **Қоржов НОРҚУЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9274 Буюртма Г— 717. 1 2 3 4 5 6